



# ЕШЛАР

Ўзбекистон комсомол-  
эшлари рўзномаси

1991 йил  
15 февраль  
Жума  
№ 26 (13.712).  
Баҳоси:  
Обуначига — 6 тийин,  
Сотувага — 10 тийин.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

السلام عليكم، عزيزي موشتري!

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ушундан чакиринг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 14 февраль кунин Тошкентда иш бошлади. Мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Сессия қатнашчилари мандат комиссиясининг маърузасини тингладилар. Комиссия раиси Ш. М. Мирзаев маъруза қилди. Қабул этилган қарорда Ўзбекистон ССРнинг янги сайланган халқ депутатлари ваколатлари тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Литва ва Латвияда воқеалар, шунингдек, Форс кўрфазидagi уруш тобора кўнгилдан бораётганлига хусусан ССР Олий Кенгашига ва ССР Президенти ўртасида М. С. Горбачёвга мурожаатнома қабул қилдилар.

Кун тартиби тасдиқланди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари нархларини бошқариш принциплари ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджетни тўғрисидаги масалани, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида», «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажноби фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида», «Ер солиғи тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти ҳақида», «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида» (иккинчи муҳокама), «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида», «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни нўжайтириш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Президентининг, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг, Ўзбекистон ССР вице-президентининг шон-шарафи ва кадр-қиммати муҳофазаси ҳақида тўғрисида» ва Ўзбекистон ССР Қонуналарининг лойиҳаларини муҳокама қилишлари лозим. Ўзбекистон ССРнинг Давлат рамазони тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ена ва бюджет-молия масалалари ҳамда иқтисодий ислоҳ ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш кўмиталарининг ишлари ҳақидаги, Ўзбекистон ССР прокуратурасининг биринчи ўринбосарини ва ўринбосарларини тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси қошидаги балогатга етмаганларнинг ишлари комиссиясининг таркиби ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама қилнади.


«Нархларни бошқариш принциплари ва Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги давлат бюджетни тўғрисида» Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирзаев маъруза қилди. Шу масала юзасидан мунозара бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мажлиси ўз ишнини давом эттирмоқда.



Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мажлисидан лавҳалар.

Суратчи: Е. БОТИРОВ.



## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Жумҳуриятда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида

Жумҳуриятда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурини мустақамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, мадания ва тарихий анъаналарини давом эттириш ҳамда ривожлантириш, ерлар девомиде шаклланиган урф-одатлар ва удувларни эъозлаш мақсадида «Наврўз» байрамини кенг ишониллаш юзасидан қуйидагилар амалга оширилсин:

1. Дам олиш кунини сифатида белгиланган 21 мартда ўтказилган «Наврўз» умумхалқ байрамини тайёргарлик ишлари бошлаб юборилсин. Бу байрамни ўтказишда 1990 йилда тўпланган ижобий таъбирларини давом эттирган ҳолда тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам ишга солинсин. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларида жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси ақдрилиқ ва ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатсин.

2. «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият ташкилий қўмитаси тасдиқлансин.

3. Ҳар бир ташкилот, вазирликдан тортиб, Советлару маҳалла кўмиталаригача — ҳамма жойда байрамни ўтказиш ишларига жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилсин. Жумҳурият ҳудудидидаги корхоналар, муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини татбиқли транспорт воситалари, озик-овқат маҳсулотлари, сановат моллари, тўй-ҳашамат ашёлари билан таъминлансинлар ҳамда сарф-харажатларини ўз зиммаларига олсинлар. Умумхалқ хайрия ҳаракатларида фаол иштирок этсинлар. Фуқароларнинг, жамоаларнинг «Наврўз» умумхалқ байрамини ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлансинлар.

Байрам аҳолининг барча табақалари истак ва хоҳишларига, ҳар бир жойнинг ўз шароитларига қараб ўтказилсин.

4. «Наврўз» умумхалқ байрами анъаналарига биноан, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатилсин. Қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатишга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоташкилоти давлат қўмитаси билан жамоат ташкилотлари, бадиий жамоалар ўтказишда хайрия узулуксиз кўрсатуви — телемараларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин.

5. «Наврўз» байрамини ўтказиш борасида қўшни жумҳуриятлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва мадания алоқалар янада кучайтирилсин. Узаро вакиллар юбориш, меҳмон қабул қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

6. Оммавий ахборот воситалари байрам ўтказиш жараёнини кенг эритсинлар. Бу ишда журналистларнинг масъулияти оширилсин.

Қейс йўналишдаги ахборот воситасида бўлишдан қатъий назар, «Наврўз» умумхалқ байрамини эритиш «ғона роз» — инсонни улуғлаш, миллий гурурини кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тирич-товушлиқ мақсадлари ва қолларни билан эътирсин.

7. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият ташкилий қўмитасига байрам тадбирлариде ташаббускор бўлган, фаолият кўрсатган, фидокорона меҳнат ва ишда қилган кишиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш ва таъдирлашга тавсия этиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 12 февраль.

## Ешлар ва иқтисод

### Бозор бўсағасида

«Оғи қийишқ бўлса ҳам, бойнинг ўлиги гапирсин».  
«Бор-борига, йўқ-ҳолчига».  
«Бой-боғга боқар — сув сойга оқар...»

Аерлар оша донолардан мерос бўлиб қолган бу мақоллардан фақат салбий фикр билдириш истиги туғилгандагина фойдаланиб келдик, шу пайтгача. Энди эса, ўша бойлик деганларни жуда унча бойлик ёмон нарса эмаслигини таъ олаётимиз, лекин у бойликка эришни йўлларини тополмай хунобимиз. Ахир давлат бадавлат бўлса, хонадонлар шинам, одамлар тўқ япаса — нимаси ёмон экан бўлсин?

Бўсағада қилич яланғочлаб (ҳар қалай ҳозир одамлар уни шундай тасаввур қилишмоқда), бозор турбиди, биз уни кутиб олишимиз керакли ёки унинг ўзи бетакалуф кириб келиб, уйимизнинг туридан жой оладими, буниси ҳозирча номаълум. Биз уни ўз манфаатимиз йўлида фойдаланамизми ёки у бизни қўл қилиб, миниб оладими, бу ҳақда ҳам бир нарса дейиш қийин.

Шундай мураккаб паллада санооби бир ишга қўл

урилди. Ўзбекистон иқтисодчиларининг жумҳурият клуби ташкил топди. Мақсад аниқ — мамлакат ва жумҳуриятнинг олдиде турган иқтисодий муаммоларни халқ қилишда фаол иштирок этиш.

Кўни кеча клубнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ахли — атоқли олимлар, аспирантлар ва талабалар «Иттифоқ шартномаси ва Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги масалалари» юзасидан иқтисодий бўйича Ўзбекистон давлат қўмитаси раиси ўринбосари И. В. Чиргадзе маърузасини тингладилар.

Иқтисодий инқирозга юз тутди. Бу инқироздан чиқиб имконий борми? Ўзбекистон билан марказ, Ўзбекистон билан бошқа жумҳуриятлар ўртасидаги алоқалар қандай бўлиши керак?

Маърузада шу ва шунга ўхшаш масалалар тилга олинди. Мунозарда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иқтисодий ишловлар бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Э. Н. Хўжаев, академик С. К. Зиядуллоев, иқтисод фанлари докторлари А. Абдуғаниев, А. Улмасов, Х. Собиров ва бошқалар ўз фикр-мулоҳаза-

ларини билдирдилар. Бундан ташқари, мажлис ахли Ўзбекистон бюджети, мулкчилик ва солиқ масалалари юзасидан ҳам тортишдилар.

«Ақл шундай бойликни, — дейди клуб президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректори Саидхоррор иккинчи ўзаро фикр алмасиша, ҳеч бири — қамайиб қолмайди, балки бойлиди. Биз энг аввало ана шу бойликдан халқимиз баҳраманд қилишни ўйлашимиз керак. Акс ҳолда, бой-бадавлат ер устида туриб, камбағаллигимизга қолаверамиз.»

Клуб ишда Президентлик кенгаши ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасидан масъул вакиллар иштирок этди.

Клуб мажлисини ҳар оининг охириги чоршабасида ўтказишга келишиб олинди.

### 3. РИХСИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон иқтисодчилари жумҳурият клуби мажлисидан лавҳалар.

Сураткаш: Е. БОТИРОВ.

## Ўзбекистон ЛКЕМ Марказий Назорат Комиссиясининг ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ЛКЕМ Марказий Назорат Комиссиясининг II пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Урганч ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Қаҳрамон Мадраҳимов МНК бюроси аъзоси этиб сайланди. Шунингдек, Самарқанд вилоят комсомол ташкилотини Назорат Комиссиясининг раиси Баҳодир Қудратов Марказий Назорат Комиссиясини раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Ўзбекистон ЛКЕМ Марказий Назорат Комиссиясининг аъзоси ва раиси мақоми тасдиқланди. МНК тузилмаси, унинг

бюроси тўғрисидаги Низом, иш юритиш тартиби, иш режалари ва 1991 йилги харажатлар сметаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ЛКЕМ комсомол ташкилотлари назорат комиссияларининг ҳуқуқ доиралари ва вазифалари юзасидан таъсирлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ЛКЕМ Марказий Қўмитасининг 1991 йилги бюджетни лойиҳаси маъқулланди. Пленумда Марказий Назорат Комиссияси раиси Вотири Убайдуллоев барча масалалар юзасидан ахборот берди.



## Мулоқот

Юзма-юз гаплашганга не этсин. Айниқса, жумҳурият комсомолларининг етакчиси билан учрашганда бор дерад-ҳасратларининг ўртага ташлаб, очкичасига гаплашиб олсанг, янада фойдали. Чунки ҳозир нима кўп, амалмо кўп. Санайверсанг, адоғи йўқ. Олий билимгоҳ талабалари ҳаётини ну гапирмай қўқолайлик...

Шу кўни Ўзбекистон комсомоллари Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носировнинг Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи ишлари билан ўтказиш мулоқотида талабалар ўзларини қийинлашган ташвишларини ўртага ташладилар. Саволлар кўп бўлди: «Нага комсомолнинг ишлари ўртасида ўрни сезилмаяпти?», — «Бу ташкилотнинг келажиги борми?», — «Бу ташкилотнинг келажиги борми?», — «Бу ташкилотнинг келажиги борми?»

Бундай жумҳурият саволларига жавоб топилш ҳам осон эмаслигини таъбиий. Бонси, бугун ниҳоятда катта масъулиятли синоваларни бошдан кечираётимиз. Бу синовалар эртанги кун ишларининг тақдирини қандай бўлишини белгилаб бериша, аянабмас. Лекин ҳар қандай азиятда ҳам уларнинг қувонч-ташвишларига ҳам дерад-ҳамнафаслигини комсомол ўз зиммасига олиб бу ишончини амалда оқласа, унинг ортидан ҳамма эргашиди.

Учрашув жонли, қизиқарли ўтди. Унда пойтахтнинг Қуйишев ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби И. Назаров иштирок этди.

И. ҚОСИМОВ.

## Учрашувга шошилиниг

«16—17 февраль кунлари бу ерда РСФСРда хизмат кўрсатган артист Геннадий Корольков билан учрашув бўлади. Уни кино мухлислари «Виктор Чернишевнинг 3 кўни», «Севастополь», «Соляк чоғида» йўқоладия», «Йосус ҳаётидаги номаълум саҳифалари» фильмлари орқали яхши билишади.

Учрашув сўнгиде жаҳон кино юлдузи Жан Поль Бельмондо бош ролини ўйнаган «Профессионал» фильмининг намойиши этилди.

Кино уйида абонемент бўйича бундай тадбирлар ўтказиш аниқла тўғрисида кўришган. Масалан, ўтган ой мухлислар «Лўли» (Настя образи), «Мис суворий» (Лаура образи) фильмлари орқали томошабинлар тилиге тушган Матлуба Алимова билан учрашгандилар.

## Эшитдингизми, ўқидингизми?

● Моксвида 16—20 февраль кунлари ССР ва АҚШ аш сийсий арбобларининг учрашуви бўлиб ўтади. Унда иккала мамлакат ишлар ҳаракати йўлбошчилари тўпланган таъдирларини ўзаро ўртоқлашдилар.

● 14 февраль кунини — жаҳон севилганлар кунини нишонланди. Бу кун хорижда кўп йиллардан буён ўтказилди. Уша кунини нақирон йилгити ва қизлар севгиниларига гуллар, совғасаломлар туҳфа қиладилар, энг ширин сўзлар битилган дил мактубларини йўллайдилар.

● РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Г. Фильшин истеъфогачи қилишга қарор қилди. Узининг айтишига қараганда лавозимдан кетишига ҳуқуқматга қарши қаратилган сийсий кампания сабабчи бўлганлими.

## 02 хабар қилади

Шу йил январь ойида 3334 та жинноват қайт этилди. Утган йилнинг январь ойида 4808 та жинноват қайт этилган эди. Илгаригиде қуққубузарликларининг аксарияти — 231 тасини баюват бўлига етмагилар содир этди. 419 қонубузарлик ҳеч қаварда ишламайдиганлар ҳиссасига тўғри келиди, 189 жинноват маст ҳолда содир этилди. Илгарини судланганлар ҳам аўзларини кирғетишди. Улар январь ойида 170 та жинноват содир этидилар. Жумҳурият автомобил йўллариде юз берган авариялар чоғида 127 киши ҳалок бўлди, 883 киши жироҳланган. Февраль ойининг дастлабки ҳафт

● «Севей» давлат хўжалик техникуми маҳаллий мактабларининг энг яхши ўқувчилари учун юз сўм стипендия тасис этиди. Энди бу ўқувчилар фанларини яхши ўзлаштиришларига қараб ҳар ойда 15-20 сўмдан олишади.

● Дирекция чиқарган бу буйруқнинг ўзи билан виллоят олимпиадасида етлаб қозонган ўқувчи учун 50 сўм миқдориде мукофот тасис этилди. Уни тайёрлаган ўқувчини эса юз сўм олади. Жумҳурият олимпиадасининг қоллиблари учун икки беравар катта мукофот тайинланган.

● Мамлакат комсомоллари Орол бўйига ердан учун олинган мақсус ҳисоб варақасига 2 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказдилар. Бу маблағ Орол бўйи комсомол ташкилотларига берилди. Қорақалпоғистонда бу маблағ Қорақалпоғистон жумҳуриятини аш олимлари ишлаб чиққан «Эколог» — 911 дастурини пул билан таъминлаш учун сарфланди.

● Бухорода жуда ноёб қўнға тангаларнинг нуسخалари тайёрланди. Қўнға шаҳарга келувчи сайёҳлар кўнғага тақиланган нишонлар, отқритқалар, календарлар билан бирга 2000 йилдан кўпроқ вақт муқаддам муомалада бўлган тангалар намуналардан тўпланган чорроқ коллекцияга сотиб олишлари мумкин.

● Шундай виллоятнинг «Кимегер» маданият уйининг кассирига қароқчиларга ҳужум қилинди. Номаълум киши қўлга қилинган оғирлик билан унга ташлаиб, бир неча зарба урди ва 25 минг сўм пул солинган қалтини олиб қочди. Милция иярди жинноватчини бир неча соатдан соғи қўлга олди. Бу Тўйтапа шаҳрида ишайдиган, ҳеч қаварда ишламайдиган 1954 йилда туғилган киши экан. Жабрланувчи касал-хонага ётқизилди.

● ХОРАЗМ виллоятининг Қонқа ноҳиясида жинноват қидару бўлими ходимлари томонидан шу ноҳияда ишайдиغان ва ҳеч қаварда ишламайдиган, қорадори сотиш ва саклаш билан шуғулланган 36 йилли киши софот этилиб, ундаги 2,5 килограмм нашо мусовера қилинди.





XX АСР КУНАДАМИГИ

ХАБАРЛАРДА ОЛАН НАФАСИ

● ТИРАНА. Бир ҳафтадан буён Албания пойтахтида дорилфунун ва бошқа ўқув даргоҳлари талабаларининг норозилик акцияси давом этмоқда. Улар ҳукуматдан истефода чиқишни талаб қилишяпти.

● НЬЮ-ЙОРК. Алабама штатидаги Расселвилл қишлоғида яшовчи Барри Карлентер давлат байроғини ёнжимлаб чўнтагига солгани учун суд томонидан айбдор деб топилди. У энди 100 доллар миқдорда жарима тўлайди.

● МАНАҒУА. Қуролланган собиқ асиринчиликчилардан 400 киши «Астурас» кишлоқ ҳўжалик компанияси худудини ағаллаб олинди. Улар ер, техника беришни, сандиқчиликни раҳбарликдан бўшатилгани талаб этишмоқда.

● БАЙРУТ. Исроиллик босқинчилар Йордан дарёсининг Габрий соҳили ва Газо секторига тинтув ўтказиб, яна 30 арабни қамоққа олшган.

● ЛИМА. Илгари хабар берганимиздек, Перунинг океан соҳилларида ўлат хасталиги тарқалган. Шу кунгача 11.085 киши насаллангани, 77 киши ўлгани аниқланган.

— Мен бу ерга кўнгилли равишда ёлланиб келганман. Кўндан бери ҳақиқий урушни кўришни орзу қилардим. Қероримдан ҳайратланган одамлар ҳам бўлди: «Яқин Шарққа бораёсанми? Эсинг жойидеми? Ахир у ерда ўлдириб қўйишди-ку!» Нима, Нью-Йоркда, Чикагода ёки Лос-Анжелесда ўлдиришмай-дими? Мен ҳар доим қоронғу кўчаларда юришдан, яхши ёритилмаган йўлларга кираришдан қўрқардим. Кучли булишни ва ҳеч қандай қўрқмаслигини хошлаб қолдим! Ва, албатта, унча-мунча пул ишлаб олишни ҳам: кунига 500 доллар кўчада ётмайди... Мана мен нима учун бу ерданман.

Тошкентда турларисда тез-хастиро ила турган кўйи, Лолита худди сумкаси каби автоматини у елкасидан бу елкасига олди. 19 йили бу кишининг ҳозирги кўриниши 50-йилларда машҳур бўлган «Сабатта» урушга боради» фильмининг эслатар эди.

— Фақат мен жинниманми, деб ўйловдим. Бу ерга келиб, менга ўшагаилар минглаб эканини кўрдим. Улар орасида нафақат тиббий ҳамширалар, ҳақимлар, ошпазлар, қидиш-товоқ юзачилар, балки машина ҳайдоовчилар, унчучилар, парашотчилар, пулемётчилар бор, — деди Лолита юшба.

Амриқонинг ЮПИ агентлиги берган маълумотга қараганда, Форс кўрғазига ташланган АҚШ ҳарбий кизметчиларининг 11 фозини аёллар ташкил этади. Дарвоқе,

ЛОЛИТА, ЭҲ, ЛОЛИТА!

уларнинг ярами келиб чиқишига кўра негрлар ёки Лотин Амриқосидан, Амриқодагилар айтмоқда — «чиканослар» дегилар. Улардан бири Лолита Эрнандес. Унинг ота-ониси иш излаб Мексикадан АҚШга кўчиб ўтишган ва Техас штетига жойлашган. Аммо уларга омад кулиб боқмаган. Худди бошқа юртдошлари каби. Айнан «чиканослар» биринчилардан бўлиб Яқин Шарққа отланганликларининг боиси ҳам шунда. Ҳозир Саудия Арабистони кўмликларидега келиб чиқиши мексикалик бўлган 100 миң амриқолик Ироққа қарши жангга ҳозир турибди.

Яқин Шарқдаги армияда аёлларнинг бўлиши яна бир сабабга кўра ҳам рабатлан-тирилади. Гап шунданки, Саудия Арабистонидега турган Амриқо аскарларига махсус эслатма берилган. У «Араб дунёсида нималар қилиш мумкинми, нималар қилиш мумкин эмас!» деб атайлади. Махсус эслатманинг бир моддасида тавсия қилинишича, араб аёллари билан ҳеч қандай мулоқотда бўлмастик ва ҳатто, улар томонга қарамаслик керак, чуқик шарият қонунларида бу гуноҳ учун қаттиқ жазо белгиланган. Боз устига яқинда Саудия Хўсейн эркакларга гайридин-лер билан алоқада бўлган ўз хотинлари, опа-сингиллари, қизларини ўлдириши русхат

берувчи фармон чиқарди. Саудия Хўсейн Мексика телевиденисига берган ин-тервьюси чоғида амриқолик-ларга ҳам мурожаат этиб, шундай деди: «Сиз кимларни ҳимоя қилаёсиз? Ким учун жонингизни қурбон этаяёсиз?» Хўсейннинг гапларига қара-ганда, Кувайт амриқонинг 70 дан зиёд хотини бўлиб, кейинги пайтларда у ҳар пай-шанбе кунни янгисига уйлари-дан эди. Яқинда эса, кўчада гўзал бир қизни учратиб қолиб, уйига олиб келишларини талаб қилган. Аммо у ўз қизи бўлиб чиққан...

Президент Буш эса ўз қўшинларига бутунлай бошқа гапни айтмоқда: «Сизлар Саудия Хўсейнни қақшатқич сабоқ беришингиз лозим, ақс ҳолда биз ҳеч қачон дунёда янги тартибни ўрнатолмай-миз».

Бироқ, уруш бошланмай туриб, янги тартиб вақилла-ри орасида қурбонлар бериш бошланди. 93 амриқолик ас-кер турли сабабларга кўра, бирови жанговар машқ пай-тида, бирови тасодифий ўққа учраб, яна бирови тасо-дифий воқеа туфайли ҳалок бўлди. Улар орасида аёллар, шу жумладан Лолита ҳам бор: у бошқариб бораётган ҳарбий юк машинаси кум-буронда ағдарилиб кетди... Эҳ, Лолита...

ИНА ВАСИЯКОВА, [ИАН].

БЕҲУДА ҚУРБОНЛАР

Ироққа қарши уруш олиб бораётган кўпмиллатли куч-лар авантисия «Саҳродаги бурон» операцияси бошлан-гандан бери 65 миң марта уқин қилган ва ўн минглаб тонна портловчи моддалар ташланган. Яқинда суратга олунчи гуруҳ билан Бағдод, Басра ва бошқа қатор йирик шаҳарларда бўлиб, аҳолини ўз қўзи билан кўрган АҚШ-нинг собиқ юстиция вазири Рамсей Кларнинг гувоҳлик беришича ана шу бомбарди-монлар натижасида камдада 10 миң ироқлик ҳалок бўл-ган. Бу рақам алобатта тахми-ний, аммо у бошқа кузатув-чилар тилга олган рақамлар-га мос тушади.

Фарангистонда чиқадиган «Либерабсон» рўзномаси Саудия Арабистонидеги эшитувчи хизматлар 10 февралда ироқлик ҳарбийлар алоқага чиқадиган тўлқинда рус тил-да сўзлашув бўлганини қайд этишган. Аммо СССР Мудоффа вазири Ироқнинг шўро ҳарбий мухасиссини 9 январдан 10 январга ўтар кечаси Ироқдан чиқиб кет-ганини айтиди. Фарб омма-вий ахборот воситаларининг ушбу хабаридан кузатилган мақсад оммада ироқликлар ўзлари мустақил ҳимоялана олмасдилар, деган фикр уй-ғотилиш бўлса керак.

Бироқ тўрт ҳафталик уруш халқаро ҳамжамиятнинг қа-бул қилинган қарор қорозда қолиб кетмаслиги учун астой-дил бел боғлаганини, шу йўлда ҳар қанча қурбонлар бўлишидан чўчмаслигини кўрсатиш билан бирга Ироқ-нинг ҳам ўз сўзида қатъият ва матонат билан тура оли-шини исботлади. Ироқ фақат Кувайт масаласини эмас, авваллабор Фаластин му-аммосини, умумараб муаммо-сини ҳал этишни талаб қил-моқда.

Ишонинг уруш у ҳатто БМТ русхати билан амалга оширилган тақдирда ҳам му-аммоларни ҳал этишнинг элг яқин ва илчил усули элмаслигига яна бир бир имон келтириди. Фақат бир нарсига аччилади киши: ана шундай худосиз келиш учун яна миң-миңлаб кишиларни қурбон қилиш шартмиди?...

Айтишадик, санъат — эзу-лик элчиси, деб. Эзулик бор жойда тинчлик бўлади, эзулик бор жойда тотулик бўлади, эзулик бор жойда кут-барана бўлади. Суратдаги йиғит ҳам ўз санъати билан дунё аҳлиларини тотуликка, баҳамжиҳатликка чақиради.

— Келинг, бир ёқадан бош чиқарайлик!  
Алиқул СУЛТОН.  
\*\*\*  
К. ПУРН сурати (ТАСС).

ЯХШИЛИК ҲАЛИ ЎЛМАГАН

Ушбу суратни кўриб «Б. танграм, қудратиндан» деган ҳайрат аралаш даҳшат ич-этинингизни жимирлатиб ўт-гандир балки.

Во ажаб, Инсон деб атал-миш бу мўъжаз тилсимот вужудига наҳот шунчалар қудратни сиғдирилган бўлса, яратган Эгам.

Бир гап эшитганим бор: инсон дунёга келаятганда қар инсонидиқдор билан яратилди, қолгани ирода ва ҳаракатда, интилишга боғлиқ, деб. Дарҳақиқат, шундайми-кан? Агар шундай бўлса, нега биз — ниқала қўл ва оёғимиз, қисқаси етти муна-миз соғ була туриб тинчлик, хотиржамликда яшашга иқ-дорсизлик қиламиз? Нега мул-қулчилик, фаровонлик яратишда иқтидорсизлик қил-амиз? Ё иродамиз... Дар-воқе, ирода ўзи нима?


...Уқувчилик йилларим эди. Маҳалладошимиз Сотқонқул ота Ҳайдаров бир кун ирода нима деб сўраб қолди мен-дан. Умумий бўлса-да, қўл-дан келганча жавоб қайтар-дим. Ленин мисолига келган-да...

Ушанда тош ё асфальт ос-тида қолган гўёки турбон ос-тида кўрсатди. Сотқонқул ота. Гарчи у сиқув ва гуфбат остида бўлса-да, аруғликка, кенгликка, фаровонликка ни-тилаверади, интилаверади. Ва бир кун ўша асфальтни тешиб чиқадди. Ана ўша куч-қудрат ирода, дейилган деганди. Су-ратдаги ханд йиғити ҳам қучил ирода соҳиб эканли-гини намоян этиб турибди. Ким билди, балки бахтсиз худосиз туфайли инки қўлидан айрилгандир, балки табии-нинг муҳдиш мин бир дарди қўлидан кесиринга мажбур этгандир. Буниси бизга қо-ронғу. Лекин нима бўлганда, «тошдан қаттиқ турмуш-нинг бебафат қийинчилик-лари сабаб тушунликка бе-рилгангани аниқ. Унинг бир жуфат оёғи ўз вазифининг бажариш билан бирга қўл юмушларини ҳам бажаради.



РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ
УРГАНГАН КЎНГИЛ...
● КЕЙИНГИ даврда Пенкида ҳам узок умр кўрувчилар кўпайиб бор-моқда. Ҳозирги кунда 100 ёшдан ошиб кетган-дан сонин 40 дан ортки. Шуниси қизикки, ўрган-ган кўнгил ўртанса қўй-мас, деганлардек улар ҳали-ҳануз аниқлардек оқват танавул қилишади. Масалан, 106 йшли Лео Ванни хоним дудлаб пи-ширилган ёли чўққани аччиқ зероверлар билан севиб истеъмол қилади. Ҳатто кечки оқват пай-тида катта коса тўла таомни паққос туширади. Леонинг кўзи жура ре-вашн кўради, қулғон ҳам

XX АСР КУНАДАМИГИ



Сайиднинг «каромати»

бўлган беморларни деволомоқда. Яхши ишлани учун шароит яратиб берилгани қийинчилик тугдирал-ти. Кўрмисизгина ишонсанс 2 зона-дан нборат эски бинода жойлашган. Бу хоналарда битта стол ва битта кушеткадан бошқа ҳеч нарсас йўқ. Ҳатто электр нури билан таъмин-ланмаган. Сайиднинг пешона-сида бу ҳам кўплик қилиб, шу жойни ҳам кейинчилик қилиб олишибди.

— Шундан сўнг беморлар уйга кели болашди, — деди Сайид-жон. — Илгоғлар яна ёзишган мо-лидан келиб икки марта 800 сум-дан жерми солишди. Эртаси кун Сайиджон билан биргаликда Кува-ноҳия мижра қўмитесининг раиси Холдор Ашуров ҳамда раис муови-ни Эмёда Эргашева билан ана шу ҳақда сўхбатлашди.

Барибир Сайиджоннинг уйдан одамларнинг қадами зулимлади: бе-морлар, кизмувчилар, тоилар... У махсус дафтар очиб «соғайганлар» рўйхатини тузган. Унда таъминот со-ғайиб кетган юзлаб кишиларнинг миңифторчилик сўзлари битилган. Мурғофислик ҳам кенг. Тожикистон, Қозғистон, Туркменистон... Энг му-ҳими Сайиджоннинг онаси билан ҳам сўхбатлашди: мўмини, содада, хоқисор аёл эдилар.

— Сайиджонинг ҳомили бўлма-сидан олдин, — дейди у киши. — Ҳойибдан менга ўил кўрасан дейиш-ганди. Уша таниш овоз Сайиджон туғилгандан кейин яна эшитилди. «Улгинги номини ўзгартир — Сайиджон қўйинг» деб буйруқ берди. Чунки Сайиджон танасида ҳоли билан туғилганди. Исмиди ҳам шунга мос қўйилди. Илгини касалликка жуда кўп чалинди. Исмиди ўзгар-тириганимиздан кейин ҳеч нима кўрмилгандек бўлиб кетди.

Уларнинг уйда икки кун бўлди. «НУЖларин ҳам кўрсатасиз», деб туриб олди. Майли, ухланг, деди. Илгини кечаси бир пайт уйга кетган эканми, билмадим соат 2—3 ми, Сайиджон туртиб уйғот-ди: «Туринг, келишди, деб мени ташқарда болашди. Дарҳақиқат, учбурчак ҳосил қилган ҳолда учта НУЖ липиллаб аниб турарди. Мен ҳайратдан котиб қолдим. Тасаву-риданги шубҳалар ҳам тамом тар-қаб кетди. Уша пайт Сайиджон қў-лига рўзнома парчасини олган эди, ўз-ўзидан ҳеч қандай воситасиз аниб кетди. Бунини у «НУЖларга си-нал бериб, энергия олғач, ақидани деб изоҳлади. Эртаси кун Шох-мардонга бордик, азиз жойларни зинрат қилдик. Кейтаиб Сайид-жон менга биз ўйлаб юрган қор одамнинг ўхшаш бир фотосурат кўр-сатди. Кўрдики кетдики: «буна ҳам вақимали бўлмас» — дед сўрадим.

— Кўрмиз, бу скарфандро, фа-қат аниб турган қорқўғларни ўзин-ки, улар иқоятда чиройли бўлиша-ди.

— Кавердан олдинги бу суратни — деб сўрадим.

— Шу ерда — Шохмардонда, ўт-ган йилнинг 16-сентябрида орғанман. — Кандай қилиб!

— Олдин, алоқа тилганинда ер-де ўзларнинг «одамлар» бор эканлигини, мени улардан биттаси билан таништириб қўйишларини ва учрашуво жойи вақтинин айтишди. Мен бориб ундан вазифалар олдим, суратга олишга ҳам ижозат бериш-ди. Унинг ёши миңга экан. Бир

вақтининг ўзиде уч хил шаклга кир-ди: гўзал аёл, кексайган чол ва сиз кўриб турган шаклда. Ва ана шу шаклда суратга олишимга ижозат берди. Ишонсансизми, уларнинг ерда қолдирган наз бир лаҳза ўтмай, ўчиб кетяверади. Танасидан нур чи-қиб туради.

— Кор одамга ўхшар экан-да! — Аслиде биз «қор одам» деб юрган мақуллар ҳам уларнинг ода-ми экан. Сиз кўриб турган кишилар ўз сейёрларидега буйсунмас қўйган-лар. Сўнг улар: «Сизлар ериқларни кўринилар ва кейин бизга шукрона қилинлар», деб бир жазо тарқи-сада бизнинг сайрамизга ташлаб кетишган экан. Уларни инқилбдан олдиқорқ келтиришган экан. Айтиш-ларича инқилб, жаҳон урушларини, қуллас фалокат ва жаҳолатга бой бўлган бэрча саналар уларнинг биз ҳали билмайдиган иштироки туфайли юз берган экан. Булар гўё «улар-нинг ердаги реэведиачиларидек гап-маълумотлар олиб туришади. Бизлар-нинг ҳамкасбларини десам ҳам хато қилмайман. Иақониятлари кең-роқ.

— Шу расмдегилар билан биз ҳам учрашса бўладики, — деб сўра-дим.

— Албатта, фақат мен алоқага чиқиб учрашуво қачон ва қаерда бў-лишини биллиб олишим керак. Роза-лигисиз биз қилмайлик.

Айтгандай, биз Сайиджон билан Шохмардонда талай ишлар қилдик. Лекин бу ҳозирча сир... Хуллас, қароиб оламга севақат қилиб келганим бўлдим. Шунинг учун ҳам уларни сизлар билан ба-тасфил баҳам кўрдим. Ишонинг ишонсансизми эса иқтидорингизде. Зеро, Сайиджон менга почта орқали юборган суратлардан бирининг орқисига «Ишонманганларини оворе бўлиб ишонтирмаманг» деб қўйиб-ди. На илоқ! Ҳақиқат олақиде ҳамин-ша бош эганим.

Энг қизикки, Сайиджон ҳали ёш — 25 ёшда. Бунини эсланишдан мақ-сад шук, «Фан ва турмуш ойнама-сида Перми вилоятда ериқларини ўзга сайёралардан билан биринчи мулоқоти ҳанда мақола ёритилган-да бир ҳамкасбини ўқиб туриб «Бунинг кейси бор ақли академик ани уста фантазич азгани деган эди. Сайид-жон эса на академик, на уста фан-тазич ва на... Лекин...

Исмаил ХУДОЕР, журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, биз ҳали аниглаб олганим мўъжиза-лар оламда кўпдир. Гайри-табиий истеъод эгалари бўли-ми экстрасенслар билан ҳар гўлги мулоқот баҳс-мунозир-ларга сабаб бўлиши ҳам шун-дан. Эҳтимол, ана шу мўъжиза-ларнинг бири биз бўлсада, таг-ти етмиш учун марказлашган бирор мамиятми, уюшмами ани ташкилотини тузиш зарурга ўхшайди. Тонин ювёб қобилият соҳиблари ҳалича янада яқин-роқ бўлисин. Одамлар ҳам уларин излаб сарсон бўлмасин-лар... \*\*\*

СУРАТЛАРДА: алоқа коди, Сай-идлар яшаётган уйнинг дарвоза-сига ёзилган ёзув ва шакллар. Ўт-ган йилнинг 16-сентябрида Шох-мардонда олганим скафандрати ўзга сайёралар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ
Номалум учувчи тарелка зонарига кириб келдинги ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ. ҲАР БИР ҚАДАМИНГИ ҚУЗАТУВ ОСТИДА

Шухрат Аббосов 60 ёшга тулган кун киностудияда дастур-тон эди. Эл-юртга ош берди. Змефатга борганлар тавриқ суларини айдилар, ижодий гайрат тилдилар. Тантаналар ўтганидан сўнг мамонтчи музбирни Шухрат акага бир неча савон билан мурожаат эди.

— Кинодаги воқеалар ҳақида қандай фикрларингиз? — Уйлашмиш, қайта қуриш сибаси ўз овозига эга бўлмаган, икрандан ёки итот саҳифасидан ёлгон гапларни айтдиганларга тегишли. Ўз маънага, сўзига, мустақил фикрига эга бўлганлар ишнинг қайта қуришга не ҳоққат! Сув лойқаб аста тинганидек, ҳаётимизда ҳам барқарорлик тантан қилишга ишонаман. Лекин шу тўс-тўполонда инсонийлик, меҳр-муҳаббат, ҳис-туйғуларимизни сақлаб қолишимиз зарур. Кинони қайта қуриш масаласига келсан, бу ўриндаги мулоҳазаларимда эҳтимол зиддиятлар бошқа бирор студия йўқ эди. Ишлаб чиқариш режалари бажарилар, бадий кенгашда муҳоамалар «қабул қилиш» маросимлари бўлаверарди. Эсимда, биргина шахснинг ўзи бадий кенгашда айтган гаплари ўзaro сўхбатда инкор этарди. Рақобат очиб кўзга ташланмаса-да, пинҳоний ривож топиб бораварди. Ҳозир эса аҳвол ўзгарди: Ингирмадан ортиқ ўзбек киностудиялари ўзaro очиб ижодий раёбатда. Бу эса пировадиди фильмларнинг савиясини яхшилашга олиб келади, деган умиддаман.

— Улар ҳозирги қайта қуриш даврида ҳеч саросимага тушмас, ақл-идрок билан иш тутардилар. Чунки улар уруш қийинчиликлари, очликни ўз кўзлари билан кўрган, демак тобланган кишилардир. Шу босдан Минья Додонов («Тошкент — нон шахри»), Дзидра Сарсанбой, Ваня («Сен етти эмассан») каби қахрамонларини ҳали-ҳали севаман, улар билан гоёйбона сўхбатлашгандек, маслаҳатлашган бўламан.

— А. Хамроева ҳамда Э. Эшимухамедов 60—70-йилларда яратган фильмлар билан Ёшларнинг тур оладиган бирорта ҳозирги бадий фильмни тилга олиш мумкинми? — Улар ҳозирги қайта қуриш даврида ҳеч саросимага тушмас, ақл-идрок билан иш тутардилар. Чунки улар уруш қийинчиликлари, очликни ўз кўзлари билан кўрган, демак тобланган кишилардир. Шу босдан Минья Додонов («Тошкент — нон шахри»), Дзидра Сарсанбой, Ваня («Сен етти эмассан») каби қахрамонларини ҳали-ҳали севаман, улар билан гоёйбона сўхбатлашгандек, маслаҳатлашган бўламан.

— Эротика санъат даражасида томошонани тақдим этилса, зийн эмас, фойда келтириши мумкин. Чунки инсонга, унинг танасига бўлган ҳурмат ҳис-туйғусини тарбиялаш зарур, деб

— Жаҳонгир Файзиёвнинг «Сиз кимсиз?» фильмининг мен юксак қадрлайман. У умумлашмаларга бой. Антёрлар ўйини ҳам, тасвир ҳам талабларга жавоб беради.

— «Сиз кимсиз?» киноси янги Низом асосида қайта қуришдан олдин суратга олинган. Бу асар кино маданиятини оқрат имкониятлари ҳамда чегараларни ўрганаётганларга маълум экан ҳақдан қўлланила бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга унда тақдир ҳам кучли...

— Томошбинлар шундай мураккаб асарларни қабул

қилишлари, уларни қайта-қайта қуришлари учун нима қилиш керак? Шу ҳақда ўйлашмиш, тадбир қўллашимиз керак. Менимча, ўз устида ишламай қўйган, жаҳон маданияти билан таниш бўлмаган томошабин даражасига тушиб қолиш нотўғри.

— Бунда томошабин эмас, биз — кино амалиёти, тарихи, назарияси билан шуғулланаётганлар айбдоримиз. Урта мактабда ҳам, олий билимгоҳда ҳам томошабин дидани тарбиялаш масалалари билан шуғулланмаймиз.

— Бу масъулиятли ишни амалга ошириш керакдир. Лекин мен ижодий масалалар билан шуғулланиш, таъкидлий ишлар билан банд бўлган чоғларим томошабин эзрадан айтилган ёлгон гаплар (мен сюжетин, изири, режиссуранинг назарда тутмайдими) муғлақ қабул қилмаслигини ҳам сездим. Бунинг қарангичи, кинони бош-

лари ҳақида мулоҳаза қилинганда кўпроқ миллий руҳ назарда тутилса, керак. Миллий характер яратиб борасизда ижодий-қуриш борасида фильмларнинг даражаси Меҳри («Маҳаллада дув-дув ган»), Фотима ва Маҳкам («Сен етти эмассан»), яна Маҳкам («Муҳаббат жоғароси»), ҳатто шу фильмда Х. Латифов яратган салбий образ — Маҳкамнинг отаси миллионларга манзур бўлди-ку!.. Бу ўринда бир саволим бор: ҳозир киностудиялар фаолиятини назорат қиладиган идоралар намайганида сизда қандай

мулоҳазалар пайдо бўлмади? — Санъатни фақат сибасдан акралган ҳолдагина тасаввур этаман, эндиликда. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Наполеон ўз қўшинларини ҳамда душман иш-қилган майдонни қўриқдан, юқоридан кузатиб борган, баҳолаган ва жаннин бошқариб борган. Лев Толстой эса ўша Наполеон, Кутузовга (саркардалар тўқнашувига) ўз даври «чўққисидан» қараган ва тарихий жанг ҳамда унинг оқибатларига ҳолис, объектив баҳо берган. Санъаткор барриқаданинг ўзи бу томонда бўлса воқеага, образга тўғри баҳо бера олмайди. Бундай ҳолда у бир кўзини юмган (ёки ундан маҳрум бўлган) бўлади. Шу босдан санъаткор ижтимоий қурашдан четда туриши ва уни ҳолис ифода этиши зарур, деб ишонч билан айтаман.

— Вилһинича, ҳозир «Ўргимчак» деб аталган

мелодрама устида ишлашмиш. Ҳозир айтган фикрларингизни амалда ифода этиш учун тарих воқеаларига, сиймоларига мурожаат этиш шаръиди? — Ўзбек киносининг буюк асари пайдо бўлиши учун Алишер Навоий, унинг замонадошлари қолдирган мерослар муҳим омил бўлди. Мен бу сиймога қайта мурожаат этишга, вақир ва ширининг мураккаб дунёсини бадий таъдиқ қилишга киришдим. Айниқса, унинг Хусайн Бойқаро билан бўлган узвий муносабатлари, Султоннинг дўстга садоқати, нозик диди, гўзал мисралари илҳом бермоқда. Менга Эрини Воҳидов фикрдош бўлганидан, сценарий устида ишлаётганидан хурсандман.


— 60 ёшнингизни профессорлик дипломи, СССР халқ артисти уворин билан қаршилаганингиз. Унвонлар орда қолган, олти ўн йиллик катта ижодий режалар тузганингизга тўғрилик қилмаганидан хурсандман.

— Санъаткор ижод билан тирик. Эсингиздами, П. И. Чайковский ҳаётининг бир босқичида содир бўлган воқеа. У бир зум яна мусиқа ёза олишга шубҳа қилди. Рухан эзилди. Ижодсиз ҳаётини тасаввур қилмайдми. Ҳаётини кўз юмтишга аҳд қилди. Қиш фасли эди ўша чоғ. Ёчинди-ю, анҳор ёнига бориб турди. Шамоллашди, ўпкаси касалланишини, рухий азобдан қўтилиб у дунёга кетишини афзал кўрди. Узоқ турди. Шу пайт узоқлардан келган шабада тўқилгани юзини, сочларини силлаб ўтди: юпқа я қолма тағдидан шилдираб оқатган сув ҳамда сумалакдан чак-чак томаётган сув томчиқларининг жанрлиги товушлари қўшилиб киши зўр-базур илғайдиган оҳангини ташкил этгандек бўлди. Петр Ильичек мусиқа сеҳрига бу юнли оҳанглар мажмуаси ҳаёт берган-деку бўлди. У дарҳол кийинди-ю, уйига пианино ёнига шилди. Бир зум ўтмай унинг хонаси, каттагина хонадон мусиқага тўлди-қўйди. Бу мусиқа бизга «Чайковскийнинг олтинчи симфонияси» номи билан маълум. Шундай. Олий билимгоҳда кафедра мудирини сифатида ишлашдан, мурабийлик қилишдан қатъи назар сценарий, фильм ҳақида ҳам ишлашга қайтди.

— Ҳамидулла АҚБАРОВ сўхбатлашди.

## САНЪАТКОР ИЖОД БИЛАН ТИРИК

(СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ШУХРАТ АББОСОВ БИЛАН СЎХБАТ)




қилишлари, уларни қайта-қайта қуришлари учун нима қилиш керак? Шу ҳақда ўйлашмиш, тадбир қўллашимиз керак. Менимча, ўз устида ишламай қўйган, жаҳон маданияти билан таниш бўлмаган томошабин даражасига тушиб қолиш нотўғри.

қилишлари, уларни қайта-қайта қуришлари учун нима қилиш керак? Шу ҳақда ўйлашмиш, тадбир қўллашимиз керак. Менимча, ўз устида ишламай қўйган, жаҳон маданияти билан таниш бўлмаган томошабин даражасига тушиб қолиш нотўғри.

қилишлари, уларни қайта-қайта қуришлари учун нима қилиш керак? Шу ҳақда ўйлашмиш, тадбир қўллашимиз керак. Менимча, ўз устида ишламай қўйган, жаҳон маданияти билан таниш бўлмаган томошабин даражасига тушиб қолиш нотўғри.



Одамлару-одамлар! Эпитетимиз деданглар! Тошкент Давлат дистрик биносида актиёб ва гаройиб томошалар бўлаётди. Хитой халқ жумхуриятининг янги санъати усталари тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига ўз маҳоратларини



намоён қилмоқдалар. Томошалар ўн кун давом этади. Одамлару-одамлар... Н. Муҳаммадзонов тасвирга туширган ушбу суратларда сиз хитойлик янги санъати усталарининг томошаларидан лавҳалар кўриб турибсиз.



Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ. ТАХИР ҲАЙБАТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиявуддин ОРТИҚХУҲАЕВ, Нарин РАХИМОВ, Фаррух РАХИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайнабдин РИХСИЕВ (масъул котиб), Қурбон ЭШМАТОВ.



Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА) Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

**ШИФОХОНА МУБОРАК!**  
Кунини кеча Хоразм вилоятидаги Богот ноҳия марказида қувончли воқеа юз берди. Бу ерда замонавий ускуналар билан жиҳозланган 240 ўринли ноҳия марказий касалхонасининг янги биноси ишга тушди. Уни Тўлқиндаги 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг азамат бунёдкорлари барпо этишди.  
Касалхона очилишига бағишланган тантанавда Хоразм вилоят фирқа кўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Р. М. Худойбергенов, ноҳия фирқа кўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари ноҳия Кенгашининг раиси Ш. Хўжиниёзовлар шифохона биносини тез ва сазоқчи қилиб бунёдкорларга миннатдорчилик қилди. Ҳамда халқ саломатлигини сақлашга бундан кейин ҳам катта эътибор берилишини алоҳида таъкидладилар.

**16 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА**  
● УЭТВ 1  
8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.  
9.00 «Ҳаёларастлар». Бадий фильм (М. Горький номида киностудия). 10.05 «Санъат усталари». ҲАССР халқ артисти Саттор Ярашев, 11.35 Болалар учун театр. М. Е. Салтиков-Шчедрин. «Бир музичкинники генерали қандай боққан ҳақида қисса». 12.55 «Отларини қўсаймиш». Телефильм. 13.25 «Чорвадор». Тижорат кўрсатувлари 13.55 Сурхондарё вилояти Ангор ноҳиясидаги «Табасум» ансамблининг концерт. 14.20 «Сугурта: оммага ёрдамчи» \* \* \*  
18.00 Ғамирлар учун. «Ғула, изла, топ!» 19.00 «Ўзбек тилини ўрганишимиз».

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**  
АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!  
**«Турон» ижодий уюшмаси**  
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА  
6, 7, 8, 9, 10 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА ХАЛҚ СЕВАН ҚЎШИҚЧИ  
Рустам ГОЙИПОВ  
БОШЧИЛИГИДАГИ  
«НУР» ГУРУҲИ ИШТИРОКИДА  
**«ЎЗБЕГИМ УҒЛОНЛАРИ»**  
ТЕАТРАШТИРИЛГАН ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИГА  
**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**  
КОНЦЕРТДА:  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ  
Малика АҲМЕДОВА  
Сўз устаси ва киноактёр МИРЗА ХОЛМЕДОВ қатнашадилар.  
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи касаллариде соат 11.00 дан сотилмоқда.

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**  
1991—1992 УҚУВ НИЛИ УЧУН  
СИРТҚИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА  
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**  
Илгор ишчилар, колхозчилар ва ССЖИ Қуролли Қучлари сафларидан заҳирага бўшатирилган орасидан 34 ёшга бўлган тулқин ўрта маълумли ССЖИ фуқаролари жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, корхоналар ва ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг йўлнамалари асосида қабул қилинадилар.  
Қирувчилар йўллама берилган пайтда камиде 2 йиллик ишлаб чиқариш фаолиятига эга бўлишлари лозим.  
Тайёрлов бўлимига йўлланган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари: ректор номига ариза, корхона, таъкилот, жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, ҳарбий қисмлар кўмондонлигиндан йўллама, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш жойидан тасвифнома, меҳнат дафтарчасининг корхона раҳбари томонидан тасдиқланган нусخаси, 088/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталиқдаги 10 та фотосурат, Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.  
**АРИЗАЛАР — 1991 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**  
Қирувчилар билан уларнинг тайёрлов бўлимида таълим олишга тайёрлигини аниқлаш мақсидида математика ва физика фанлари бўйича сўхбат ўтказилади.  
Машғулотлар — 1991 йил 1 мартдан 5 мартгача бўлиб ўтади.  
Ўқиш муддати — 10 ой.  
Юқорида санаб ўтилган шахслардан ташқари, мактабни 1990 йилда тамомлаган қирувчилар—ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумтаълим мактабларининг битирувчилари қабул қилинадилар.  
Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар сессия даврида ётоқхона билан таъминланадилар.  
Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топишган тинловчилар 1 курсга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.  
Манзиллари: Тошкент шаҳри, ГСП, Қора Ниябий кўчаси, 39-уй.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ**  
42-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ  
Совет Армияси сафлариде хизмат ваифасини ўтаб қайтганларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича **ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Электр-газ пайвандчи, чилангар ремонтчи, кенг мутахассисли станоччи, учинч аппаратларнинг чилангар-йиғувчис, электр монтажчи.  
Уқув муддати 6 ой.  
Уқувчилар 75 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давомида иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде ҳақ олади-лар.  
Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.  
Билим юртини тутатганлар В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирдлашмасига ишга юборилади.  
Машғулотлар ҳар ойнинг биринчи кунидан бошланади.  
Билим юртига қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома, 3х4 ҳажмида 6 та сурат, медицина справкиси, паспорт, турар жойдан справка, ҳарбий билет, ариза.  
Билимнинг манзилгоҳини: 700084, Тошкент шаҳри, Жаҳон Обидова кўчаси, 70-уй (9, 24, 51, 60, 72, 91, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба» хиббони) бекати).  
Телефонлар: 34-37-14, 34-37-12.